


“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Б.Б.Очилдиев

2017 йил

Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси қабул қилган бошқа меъёрий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилди.

2. Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими Сурхондарё вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва бошқарма бошлигининг ўринбосари раҳбарлигида фаолият кўрсатади.

3. Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Давлат статистика кўмитасининг буйруқлари, вилоят статистика бошқармасининг буйруқлари ва белгиланган тартибда тасдиқланган йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларига амал қилган ҳолда иш тутади.

4. Бўлим юридик шахс мақомига эга эмас.

II. Бўлимнинг асосий вазифа ва функциялари

5. Бўлим фаолияти хизматлар соҳасида ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қондаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган.

6. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, “Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, Сурхондарё вилояти статистика бошқармасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

7. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

8. Бўлим ўз фаолиятини туманлар, шаҳар статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг асосий вазифа ва функциялари

9. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

хизматлар соҳаси бўйича статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш ва сақлашнинг замонавий усул ва услубиятларини кенг жорий қилган ҳолда статистик қузатувларни ташкил этиш ва умумэйтироф этилган халқаро амалиётга мослаштириб бориш;

хизматлар соҳасида рўй бераётган иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни макроиқтисодий, тармоқ ва ҳудудлар даражасида ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

Давлат статистика ишлари дастурида хизматлар соҳаси статистикаси бўйича белгиланган ишларнинг тўлиқ ва муддатларида бажарилишини таъминлаш;

долзарб мавзуларда оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун хизматлар соҳаси бўйича таҳлилий ахборотлар, маърузалар, пресс-релизлар ва мақолалар тайёрлаш;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари учун маълумотлар тайёрлаш;

хизматлар соҳаси бўйича статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тақдим этиш ва тарқатиш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш юзасидан таклифлар киритиб бориш;

хизматлар соҳаси бўйича статистик ахборотларнинг маҳаллий ва хорижий фойдаланувчилар учун очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш ҳамда халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш;

хизматлар соҳаси бўйича давлат ва идоравий статистик қузатувлар тизимини мақбуллаштирган ҳолда босқичма-босқич танланма статистик қузатувлар сонини кўпайтириш ва уларнинг натижаларини ҳаққонийлигини ошириш;

хизматлар соҳаси бўйича статистик кўрсаткичларнинг ишончлилиги, тезкорлиги ва тизимлилигини таъминлаш;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ҳаққоний ҳисоботлар тақдим этишларида хўжалик юритувчи субъектларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш ва профилактик тадбирларни олиб бориш;

Бўлим туманлар, шаҳар статистика бўлимлари хизматлар соҳаси статистикаси ахборотларини шакллантириш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

10. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни амалга оширади:

Бўлим таркибидаги бўлимлар ва ҳудудий статистика органларининг хизматлар соҳаси статистикаси масалалари бўйича ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларини самарали амалга ошириш бўйича фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича статистик услубиятни ишлаб чиқиш ва уни жорий этишни, халқаро нормалар ва талабларга жавоб берадиган услубиятни статистик маълумотларни шакллантириш жараёнига жорий этишни амалга оширади;

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, Қўмита раҳбарияти топшириғига асосан ҳамда фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида хизматлар соҳаси статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича давлат статистика ҳисоботлари шакллари такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди, ҳисоботларни тузиш тартиби бўйича йўриқнома ва қўлланмалар ишлаб чиқади;

вилоят статистика бошқармасининг таркибий тармоқ ва ҳудудий бўлинмаларига хизматлар соҳаси статистикасининг услубий масалалари, ушбу соҳага оид статистика ишларини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатади;

бўлимнинг услубий, иқтисодий, ташкилий ва статистика ишлари режаларини шакллантиради ва белгиланган муддатларда ижросини таъминлайди;

бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди.

Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлик, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган иқтисодиётнинг энг муҳим устувор йўналишларини, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган вазифаларни ҳамда вилоятдаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг тенденциясини (ҳолатини) ҳисобга олган ҳолда таъминлайди.

III. Бўлимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича статистик услубиятни такомиллаштириш ва кузатувларни ташкил этиш бўйича вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклиф киритиш;

вилоят статистика бошқармаси бўлимларидан, шунингдек ҳудудий статистика органларидан ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича вилоят статистика бошқармаси бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш;

хизматлар соҳаси статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини йиғиш муддатларини мақбуллаштириш, уларни қайта ишлаш, тўлиқлилигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

9. Бўлим ваколоти доирасида қуйидаги мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олади:

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича вазирлик ва идоралар иштирокида статистиканинг ягона услубияти ва ўзаро боғлиқ бўлган статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш;

белгиланган тартибда ҳисобот шакллари ва уларни йиғиш тартибига ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар бериш ва ушбу таклифларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

хизматлар соҳаси статистикаси услубияти, жамланма жадваллар тайёрлаш бўйича дастурий таъминотлар, статистика ҳисоботларини қайта ишлаш ва статистика ахборотларини тайёрлаш бўйича бошқа масалаларда ўз фаолиятини ҳудудий статистика Бўлимларининг тегишли бўлимлари билан биргаликда олиб бориш.

IV. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, ушбу Низом, вилоят статистика бошқармаси буйруқлари ва қарорлари, шунингдек Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, вилоят статистика бошқармасининг I ва II ярим йиллиги учун иш режалари, Хизматлар соҳаси статистикаси бўлимининг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим йўриқномалари асосида ташкил этилади.

Бўлим ходимларининг лавозим йўриқномалари бошқарма бошлиғи ўринбосари билан келишилади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, Давлат статистика

ишларини ишлаб чиқариш дастурини ва вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти топшириқларини электрон ҳужжат айланиши тизимида ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, шунингдек бўлим ва унинг таркибидаги бўлимлар (Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурлари индикаторлари ва йиғма таҳлилий ахборотларни шакллантириш бўлими, Хизматлар, транспорт ва ахборот инфратузилмаси соҳасида тизимли статистик кузатувлар бўлими, Уй-жой фондини ободонлаштириш статистик кузатувлари бўлими) томонидан бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида бўлимнинг ойлик ҳисоботини тузиш орқали ташкил этилади.

11. Бўлим фаолиятига бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади. Бўлим бошлиғи вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади.

12. Бўлим бошлиғи:

Бўлимнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади, бўлимнинг ишини ташкиллаштиради, бўлимга юклатилган вазифа ва функцияларни бажарилиши, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун шахсан жавоб беради;

бўлим фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

қўйилган вазифалар, келиб тушган ҳужжатларни назорат қилиш ва ишда тажриба алмашиш масалалари бўйича Бўлим ходимлари билан инструкторив кенгашлар ўтказиши;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади, ходимларнинг ишга оид ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни сақланиши бўйича белгиланган тартибга риоя қилишларини таъминлайди;

бўлим бошлиғи йўқ бўлган пайтда унинг вазифаларини бўлим бошлиғининг ўринбосари бажаради.

13. Бўлим бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизоминини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Бошқарма бошлиғи ўринбосари билан келишилган ҳолда Бўлим ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

ходимларнинг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш, шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайитириш ёки бекор қилиш бўйича вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти томонидан ўтказиладиган йиғилишларда қатнашиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхона ва ташкилотларда вилоят статистика бошқармаси номидан қатнашиш.

V. Бўлимнинг жавобгарлиги

14. Бўлим статистик маълумотларни ягона статистик илмий методология асосида тартибга солиш ва сифатини ошириш учун, ваколатига кирадиган статистик, тахлилий ва бошқа материалларнинг савияси учун жавобгар бўлади.

Бўлим бошлиғи ва ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган энг муҳим устувор вазифалар ва замонавий талаблардан келиб чиқиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни, “Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низоми ҳамда ушбу низомда белгиланган вазифалар, функциялар, мажбуриятларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, ўзига берилган ваколатлар, ҳуқуқлардан қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши учун жавоб берадилар.